

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING ҚАРОРИ

269 Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиси тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча кири- тиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
6 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1272-5*

(2012 йил 16 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 230-модда) 6-моддасига мувофиқ Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиси тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1272, 2003 йил 15 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 17-18-сон) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Раис

З. ДУСАНОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 5 май,
01-02/20-7-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.